



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 март кун Оқсаройда Германия Федератив Республикаси федерал ташкилот вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Франк-Вальтер Штайнмайерни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлаб, ушбу учрашув ўзаро ҳамкорлик бўйича фикр алмашиш учун яхши имконият бўлиб, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кўп қиррали ва доимий алоқаларнинг узвий қисми эканини таъкидлади.

Ўзбекистонда Германияни Европадаги йирик интеллектуал, иқтисодий, техник ва технологик салоҳиятга эга, халқаро майдонда нуфузли, глобал ва минтақавий масалаларни ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўшиб келатган давлатлардан бири сифатида билди.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда барқарор ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бугунги кунда 130 дан ортиқ ҳужжатдан иборат мустақам ҳуқуқий база яратилган ва барча даражадаги муносабатлар учун ишончли механизм мавжуд.

Мамлакатимиз иқтисодиётига кейинги 15 йилда Германиянинг 784 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри инвестициялари ва кредитлари жалб этилган. Ўзбекистонда Германия Федератив Республикаси инвестицияси иштирокида 113 корхона, шундан 27 таси тўла Германия капитали асосида фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда дунёга машҳур немис компаниялари Ўзбекистон бозорида мустақам ўрин эгаллаб, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. «MAN» концерни

билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида замонавий завод барпо этилган. Корхонада турли русумдаги юк автомобиллари ишлаб чиқаришмоқда. Ушбу автомобилларга хорижда ҳам талаб юқори. Германия саноатининг яна бир етакчиси — «CLAAS» концерни билан ташкил этилган қўшма корхонада замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришмоқда.

Ўтган йили ташкил этилган Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгашининг иккита мажлиси ўтгани савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга икки томонда ҳам қизиқиш ортиб бораётганидан далolat беради. Ушбу мажлислар доирасида Германиядан 2,85 миллиард долларлик технологиялар ва имтиёзли кредитларни жалб этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланган.

Учрашувда Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигига доир бошқа масалалар, жумладан, маданий-гуманитар алоқаларни изчил ривожлантириш, таълимга оид қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ГФР ташки ишлар вазири самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Германия раҳбарияти ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлашга тайёр эканини таъкидлади.

Ў.З.А

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

ТИЛ БИЛИШ ДУНЁНИ БИЛИШДИР

Тошкент давлат шарқшунослик институтида мультимедия маркази очилди. Энг сўнгги русумдаги замонавий техникалар билан жиҳозланган мазкур марказ институтида хитой тили йўналишида тахсил олаётган талабаларга кўриб ҳамда эшитиб тил ўрганиш имконини беради.

Ушбу марказнинг очилишига бағишланган маросимда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчи Сунь Лицзе ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори, профессор Абдурахим Маннонов иштирок этди.

Хитойнинг «Ханбан» ташкилоти томонидан бегараз ёрдам сифатида берилган жиҳозлар ёшларни тил ўрганиш, шу орқали дунёга чиқишга бўлган интилишларига йўл очди.

Чет тилини ўрганишни замонавий технологияларсиз

тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти хитой тили ва адабиёти кафедраси мудири Озод Очиллов. — Талабаларимизнинг қувончи чексиз. Улар илмга жуда чанқоқ. Хитой тилида бемалол гаплаша олишди. Мультимедия маркази эса талабаларимизнинг билими янада ошишида муҳим аҳамият касб этади.

— Тил билиш дунёни билишдир, деган фикр бугун яна

долзарб масалага айланди, — дейди институти магистри, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати Дилафрўз Усмонова. — Институтида мана шундай мультимедия маркази бўлишини орзу қилар эдим. Ниятим ушaldi. Келажакда Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг янада ривожланишига ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшмоқчиман.

Ў.З. мухбиримиз.

ЎЗХДП БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЎЗХДП Тошкент вилоят кенгашига борганимизда ташқаридан кўнчилиги йиғилиб турган экан. Салом-алиқдан кейин автобусга таклиф қилинди. Бироздан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент вилоят, туман ва шаҳар партия кенгаши раислари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, фаоллар ҳамда оммавий ахборот

воситалари вакилларида иборат гуруҳ Зангиота тумани сари йўлга тушди. Йўл-йўлак Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталик, мамлакатимизда фуқаролар, оддий одамлар шурида демократияни қарор топтириш, бунда сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда аҳамияти каби мавзулар ҳусусида суҳбатлашиб кетдик.

ТАКЛИФ, ТАШАББУС, ТАЖРИБА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши намунали бошланғич ташкилотлар фаолиятини оммалаштиришмоқда



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

ЎЗХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирожиiddин Аъзамов бошчилигидаги гуруҳ Зангиота зиёратгоҳида тўхтади. У ерда мажмуа тарихи билан бирга, истиқлол йилларида амалга оширилган қурилиш-ободонлаштириш ишлари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Зиёратгоҳ атрофидаги ранго-ранг гуллар, сокин манзара одамга руҳий қувват бағишлайди.

► Давоми 2-бетда.

СЎЗ — ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Озиқ-овқат хавфсизлиги аҳоли сиҳат-саломатлигида муҳим аҳамият касб этади

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг қўлдан ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада бир қанча босқичлар босиб ўтилди. Энг муҳими, озиқ-овқат мустақиллигига эришилди. Ўзбекистон БМТнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотга сазовор бўлган давлатлар қаторида эътироф этилди.

► Давоми 2-бетда.

Саховатпеша боғбон

35 минг туп кўчат ҳадя қилди

— Мен муҳтарам Юртбошимизнинг савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак, деган сўзларига амал қилиб яшайман, — дейди Дармонжон опа. — Берган гулларим яшнаб кўзларни қувнатса, дарахтларнинг мевасидан эл баҳраманд бўлса, мен учун бундан катта бахт йўқ.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Депутат масъулияти

Депутат фаолият олиб бораётган оилавий поликлиника 16 мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатади. Жорий йилнинг шу даврига қадар депутатга аҳоли вакилларида турли масалаларда 30 дан ортиқ муурожаат бўлди. Уларнинг ечими бўйича тегишли идора ва ташкилотларга 20 га яқин депутатлик сўрови юборилди.

2

ИФТИХОР

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Наврўз шукуҳи

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Халқаро Наврўз кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

БМТ, дипломатия корпуси, халқаро ташкилотлар ҳамда АҚШ жамоатчилиги ва ишбилармон доираларининг вакиллари унинг иштирокчилари бўлишди.

Тантанали тадбирда БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун байрам муносабати маросим меҳмонлари ва делегацияларининг эътиборига ҳавола этди. У дўстлик, бирдамлик ва атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишдек қадриятлар рамзи бўлган ушбу байрамнинг ўрни алоҳида эканлигини ҳамда бундай қадриятлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таъмоийил ва мақсадларига ҳамоханг эканлигини қайд этди.

— Наврўз миллий чегараларни сидириб ташлайди, диний келишмовчиликларни сўндиради ва одамларни эзуликка йўғрилган ришталари билан бирлаштириб, турли тафовутларни бартараф этади, — деди ташкилот раҳбари.

Ушбу байрамни анъанавий тарзда нишонлайдиган БМТга аъзо давлатларнинг вакиллари ҳам тадбирда сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон вакиллари томонидан баҳор, уйғониш ва табиат янгилашининг рамзи ҳисобланадиган Наврўз айёмига мамлакатимизда катта эътибор қаратилиши қайд этилди. Унинг энг кўҳна, чуқур мазмун-моҳиятга эга бўлган ва том маънодаги умумхалқ байрами эканлиги таъкидланди. Тадбир иштирокчиларининг эътибори республикаимизда қадимги ва шонли тарихга, бой маданият ва аждодлар мероси қадрланаётганига қаратилди.

Наврўз кунлари мамлакатимиз аҳолиси ўз хурсандчилигини, баҳор таомларини оила аъзолари, дўстлари билан баҳам кўришлари, бир-бирига сиҳат-саломатлик, бахт-иқбол ва фаровонлик тилашлари, кексаларнинг ҳолидан хабар олишлари анъанага айлангани таъкидланди.

Соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлод тарбияси, оила, оналик ва болалик ҳимояси мустақилликнинг дастлабки кунларидан буён Ўзбекистонда айлانган йўналишлардан бикрига устувор. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан 2016 йил мамлакатда «Соғлом она ва бола йили», деб эълон қилинган қайд этилди.

Маросим меҳмонлари ва БМТга аъзо давлатлар миссиялари вакиллари эътиборига ўзбек халқининг бой маданий анъаналари ҳамда мамлакатимизда Наврўз байрамининг нишонланиши ҳақида ҳикоя қиладиган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

«Жаҳон» АА,
Нью-Йорк.

**ЎЗХДП: ФАКТ
ВА РАҚАМЛАР**

ЎЗХДП АСАКА ТУМАН КЕНГАШИ «ТАРҒИБОТЧИ — МАҲАЛЛАДА» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАРНИ ИЗЧИЛ ЎРГАНМОҚДА.

ЎЗХДП ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ КАСБИ ТУМАНИДА ТАШКИЛ ҚИЛГАН КЎЧМА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ 20 ГА ЯҚИН МУРОЖААТИ ТИНГЛАНДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚИЗИРИҚ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН АЖРАТИЛАЁТГАН ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ ДОИМИЙ КОМИССИЯГА КИРИТДИ.

ЎЗХДП БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДА

■ Бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, унинг аъзоларини партия юқори ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси олиб бораётган ишлар билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга.

ТАКЛИФ, ТАШАББУС, ТАЖРИБА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши намунали бошланғич ташкилотлар фаолиятини оммалаштирмоқда



Кейинги бекат «Эски-қалъа» маҳалла фуқаролар йиғинидаги бошланғич ташкилот бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари Зангиота туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзоси Наргиза Аҳмедова билан биргаликда фуқаролар йиғини ҳовлисида дархат кўчатлари ўтказилди. Шундан сўнг тadbирнинг асосий қисмига ўтildi. Тумандаги намунали бошланғич ташкилотлар билан танишиш шу ердан бошланди.

— Ҳеч ким бошланғич партия ташкилотига шунчаки келиб-кейтиши керак эмас, — деди тумандаги 33-умумтаълим мактаби директори, партиямиз фаоли Зулфия Зокирова. — Шунинг учун Президент асарлари, сиёсий адабиётлардан лавҳалар ташкил этганмиз. Ҳар бир ўтказилаётган тadbир, сиёсий ўқув, фуқаролардан тушаётган мурожаат баённомасини йиғиб борамиз. Бу ишларга фаол ёшлар, хотин-қизлар жалб қилинади. Маҳалламиз ахлининг сиёсий-хуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни ўйлантираётган масалаларни

чуқурроқ ўрганишда ишимизга бўлган муносабат муҳим ўрин тутди. Ўйлаيمанки, бошланғич ташкилот хонасида аъзолар ҳақидаги маълумот, партиямиз гоё ва мақсадларини акс эттирувчи лавҳалар бўлса, одамларнинг эътиборини тортади, ишончини оширади.

Ойнинг ҳар пайшанбасида фуқаролар мурожаатларини қабул қиламиз ва депутатлар билан бирга уларни ҳал этиб борамиз. Охириги пайшанбада эса сиёсий ўқув ташкил этилади. Унда қонунчилигимизга оид ўзгаришлар, сиёсий партия ва унинг аъзолари зиммасига юклатилган вазифалар тушунтириб борилади.

Бошланғич ташкилот хонасида кўплаб саволларга жавоб топиш мумкин эди. Масалан, бошланғич ташкилот аъзолари, ҳудуддан сайланган депутатлар, ЎЗХДП фаоллари ҳақидаги маълумот ва уларнинг расмларидан иборат бурчак, туман харитаси, унда алоҳида белгилар билан ажратилган ЎЗХДП ташкилотларидан тортиб, бир манзилдан бошқа манзилга олиб борувчи жамоат транспорти йўналишларига аниқ кўрсатилган.

Аъзоларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашгани шундоқ кўриниб турибди.

Навбатдаги бекатлар «Токзор» маҳалласи ва Назарбек кишлоқ врачлик пункти бўлди. У ердаги бошланғич ташкилотлар фаолияти ўрганилди. Одамларни ўйлантираётган масалалар муҳокама қилинди. Айрим камчиликлар ҳам эътибордан четда қолмади. Биринчи қисмининг сўнгги манзили туман партия кенгаши эди. У ердаги ишлар, одамлардан тушаётган мурожаатлар сони ва уларнинг натижаси партия фаоллари ҳамда депутатларнинг меҳнатини кўрсатиб турарди.

Семинарнинг иккинчи қисми Зангиота маиший хизмат ва тadbиркорлик касбхона колледжидан давом этди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси Акмал Умаралиев «Сиёсий партия етакчиларининг имижини яратиш» мавзусида маъруза қилди.

— Одамларга таъсир қилишнинг турли омиллари бўлиб, ташқи кўриниш ва шунга мос равишда сўзлаш улар орасида энг самаралиси ҳисобланади, — деди у. —

Одамларни ишонтириш учун умумий гаплар эмас, аниқ фактлар, қатъий талаб ва таклифлар керак бўлади. Билимли инсон ҳар қандай вазиятда тўғри йўлни топа олади. Одамларни эшитиш орқали ҳам уларнинг ишончини, меҳрини қозониш мумкин.

Маърузачи дунё тажрибасидан мисоллар, олимлар, файласуфларнинг қарашлари ҳамда олиб борган тadbиротларни ҳақида сўз юритди.

Нотиқлик маданияти хусусида ҳам фикр алмашилди. Ўқув-семинар интерактив тарзда олиб борилди. Бошланғич ташкилот етакчилари, партия фаолларига юклатилган вазифалар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақидаги тезкор савол-жавоблар ор-

ҳодимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари бошланғич ташкилотларда бўлиб, долзарб масалалар бўйича тadbирлар, семинарлар ўтказишмоқда. Партиямиз Марказий Кенгашида БПТлар сектори ташкил этилгани бу борадаги ишларимизни янада жонлантирди. Ўйлашарманки, келгусида бу тажриба янада оммалашиб, мамлакатимизнинг олис ҳудудларига етиб боради.

— Бугунги семинардан кўзланган асосий мақсад намунали бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишишдир, — деди ЎЗХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари Меҳрож Дархонов. — Чунки



қали йиғилганларнинг билими синодан ўтказилди.

— Бугун биз фаолиятини ўрганиган бошланғич ташкилотлар тажрибасини оммалаштириш лозим, — деди ЎЗХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Дониёр Каримов. — Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, унинг аъзоларини партия юқори ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси олиб бораётган ишлар билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, партиямиз Марказий Кенгаши

қуйи бўғин аҳоли ўртасида доимий ишлайди, унинг муаммоларини ўрганиб, таклифларини юқори партия ташкилотлари ва депутатларга етказиш. Ўтган давр мобайнида аҳоли томонидан тушган 50 га яқин мурожаат халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи билан ҳамкорликда ижобий ечим топди. Тумандаги мавжуд 70 бошланғич ташкилотимиз асосий эътибори электорат манфаатларига қаратиб келяпти.

Ўтказилаётган ўқувлар келгусидаги ишларимизни янада жонлантиришга хизмат

қилишига ишонаман. Ўқув жараёнида партия тизимида фаолият кўрсатаётган ёш кадрларда сиёсий соҳани ўрганиш, етакчилик қобилиятини намоён этишга иштиёқ кучлилигига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, уларда ўз фаолиятини танқидий-тахлилий баҳолаш кўникмаси шаклланиб бораётгани эътиборга молик. Аниққса, партия гоёларини амалга ошириш технологиялари, аъзолар ва хайрихоҳлар сонини янада кўпайтириш масалаларидаги фикр-мулоҳазалар тadbирларнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилди.

ЎЗХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси Дониёр Азизхўжаев «Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг Устав талаблари» мавзусида маъруза қилди. У ўз нутқида депутатлар ва ҳамкор ташкилотлар кўмағида янги иш ўринлари яратиш, аҳолини оилавий тadbиркорликка кенг жалб қилиш кераклигини таъкидлади. Шунингдек, бошланғич ташкилот партия гуруҳи билан ҳамкорликда аҳоли мурожаатларини ўрганиш борасидаги тажрибасини ошириб бориши зарурлигини қайд этди. Бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари депутатлик сўровлари юбориш яхши самара беришини айтиб ўтди.

Иштирокчилар кун давомида ўтказилган амалий тadbир ҳар томонлама самарали бўлганини таъкидлашди.

Зангиота туманидан ЎЗХДП вилоят кенгаши томон қайтаётганимизда ҳам келгуси режалар ҳақида баҳо-мунозаралар қизғин давом этди, турли таклифлар билдирилди. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалий семинарлар ташкил этишга келишиб олинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Бугун ҳар бир партия фаоли, депутат ҳаёт билан ҳамнафас яшамоғи лозим. Бунинг учун берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан самарали фойдаланиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини чуқур ўрганиш талаб этилади.

Депутат масъулияти

Партиямиз Сайловолди дастурида таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, ишлаб чиқариш тармоқларини янада кенгайтириш орқали ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, коммунал ва тиббий хизмат сифатини ошириш каби электорат манфаатлари билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган. Бу масалалар туманимиз учун ҳам жуда долзарбдир.

Туманимиздан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган депутат, 13-оилавий поликлиника бош шифокори Зоя Ан электоратни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш, ҳудуддаги ижтимоий муаммоларга ечим топишда партия ташкилотимизга яқиндан кўмак бериб келяпти.

Депутат фаолият олиб бораётган оилавий поликлиника 16 мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатади. Жорий йилнинг шу даврига қадар депутатга аҳоли вакилларида турли масалаларда 30 дан ортиқ мурожаат бўлди. Уларнинг ечимини бўйича тегишли идора ва ташкилотларга 20 га яқин депутатлик сўрови юборилди.

Мурожаатлар асосан коммунал хизматлар, сув таъминоти, транспорт хизматини яхшилаш масалаларини ўз ичига олган.

Мисол учун, ўтган йили «Учувчилар» маҳалласидаги гаражларни қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича қилинган мурожаат Сергели туман ҳокимиятига депутатлик сўрови юбориш орқали ижобий ҳал этилди. Маҳаллада ташкил этилган «Нуронийлар» хонасини зарур ҳужжатлар билан таъминлаш масаласида ёрдам сўраб қилинган мурожаат ҳам ечим топди.

«Қўйлик-Сергели-Дўстлик» йўналишида ҳаракатланувчи 104-автобус йўналишининг «Обод» маҳалласи ҳудудидан ўтишини таъминлаш ҳамда тумандаги «Олтин водий» кўчасида автобус бекатини кенгайтириш тўғрисидаги мурожаатлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юбориш орқали ижобий ҳал қилинди.

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Албатта, биргина ташкилотга сўров юбориш билан масала ҳал бўлиб қолмайди. Муассасада ташкилот раҳбарининг депутат юборган сўровга жавоби устидан ҳам депутатлик назоратини ўрнатиш талаб этилади.

Турли тadbирлар, семинарлар, қолаверса, оммавий ахборот воситаларида ҳудудлардаги ижтимоий масалаларни маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари, сессиялари муҳокамасига киритиш, шу орқали электорат вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш кераклиги ҳақида кўплаб фикрлар билдирилмоқда. Бу фикрларда жон бор, албатта. Лекин мен шу ўринда масаланинг бошқа томонига эътибор қаратмоқчиман.

Яъни, депутат фаолияти самарали бўлиши кўп жиҳатдан туман (шаҳар) партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ташаббускорлигига ҳам боғлиқ. Электорат манфаатларига дахлдор масалаларни кўтариб чиқиб, асослаб беришда биз депутатларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишимиз, уларнинг таклифлари, ташаббусларини қўллаб-қувватлашимиз керак. Шунинг учун депутатимиз билан доимий ҳамкор ва ҳамфикр бўлиб ишлашга ҳаракат қилишимиз.

Бир сўз билан айтганда, нафақат депутатлар, балки партия фаоллари ҳам электорат манфаати йўлида тиниб-тинчимаслиги, ўзига нисбатан талабчан бўлиши керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган 10 мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан 10 баробардан ортиқроқни ташкил этади.

1997 йилда қабул қилинган бўлиб, унга бугунги кун қонунчилик талабларига мувофиқ тарзда, тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади.

Бу ўринда, хусусан, соҳада давлат сиёсатини олиб борувчи ваколатли органлар ва фуқароларнинг мажбуриятларини алоҳида меъёрлаштириш, республикамиз ҳудудига четдан кириб келаётган маҳсулотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қалбақлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш устидан назоратини кучайтириш масалаларини эътиборга олиш лозим, деб ўйлаймиз.

Зулайхо АКРАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси.

Шоира ХҲЖАЕВА, ЎЗХДП Сергели туман кенгаши раиси.

■ СЎЗ – ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Озиқ-овқат хавфсизлиги

аҳоли сиҳат-саломатлигида муҳим аҳамият касб этади

Мустақиллигимизнинг дастабки йилларида, биринчи навбатда, озиқ-овқат танқислигининг олдини олиш бўйича дастурлар қабул қилиниб, ижроси таъминланган бўлса, бутунги кунда озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш имконияти кенгайиб бормоқда.

Президентимизнинг «2015-2019 йиллар учун ишлаб чиқаришнинг тузилмавий қайта тузилиши, замонавийлаштириш ва диверсификациясини таъминлаш бўйича чора-тadbирлар дастури тўғрисида»-ги Фармонида кўра, 5 йил ичида 876 инвестицион лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Шулардан факат озиқ-овқат саноати соҳасида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш ва қувватларини ошириш мақсадида 2020 йилга қадар факат давлат инвестиция дастурларига кўра, 304 йрик лойиҳа ва 5000 янги ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилиши кўзда тутилган. Бу эса йилга қўшимча равишда 100 минг тонна озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, 130 хилдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради.

Мазкур лойиҳаларда янги технологияларни жорий этиш ва

хомашёни чуқур қайта ишлашга алоҳида эътибор берилади ҳамда уларнинг аксарияти кишлоқ жойларида амалга оширилади. Яъни, кишлоқ аҳолиси учун мингглаб янги иш ўринлари яратилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган 10 мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан 10 баробардан ҳам ортиқроқни ташкил этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг республика озиқ-овқат саноати бошқаруви ташкил этилишини янада такомиллаштириш бўйича чора-тadbирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ, 2011 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Озиқ-овқат корхоналари уюшмаси негизида «Ўзбек-Озиқовқатхолдинг» компанияси ташкил этилди.

Хозирги кунда ушбу компания 176 корхона-ташкilotни қамраб олган. Компания таркибига озиқ-

овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ихтиёрий равишда кириши мумкин. Мазкур компания қосида озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантириш, реконструкциялаш ва модернизациялаш фонди ташкил этилади. Бу эса соҳада ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг 2015 йил якунлари ва 2016 йилдаги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида кейинги 5 йил давомида пахта етиштириш ҳажмининг 350 минг тоннага қисқартириш, сабзавот, картошка, озуқа экинларини кўпайтириш, бог ва узумзорлар барпо этиш белгиланди.

Экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агро-технологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда бошқоқли дон етиштиришни 16,4 фоизга ошириб, унинг ҳажмининг 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, гўшт, сут, туҳум ҳамда балиқ етиштиришни ҳам сезиларли даражада кўпайтириш режалаштирилган.

ЗАМОНАВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР

- 167 миллион киловатт/соатдан ортиқ электр энергия ҳамда 54 миллион куб метр газ тежаб қолинади.

Энергия самарадорлигини ошириш

лойиҳаси ўзининг ижобий натижаларини бермоқда

Маълумки, ривожланган ва ривожланаётган давлатларда, жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам энергия ва хомашёдан самарали фойдаланиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ҳукумати ва Жаҳон банки ҳамкорлигида ташкил этилган «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» кўшма лойиҳаси ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Мухбиримизнинг лойиҳа раҳбари Улуғбек Абдуллаев билан суҳбати ана шу мавзуга бағишланади.

— Аввало, мазкур лойиҳанинг аҳамияти ва унинг долзарблигини тушунтириб берсангиз.

— Мазкур лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 июлдаги «Халқаро тараққиёт ассоциацияси кредит маблағлари иштирокида лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра амалга оширилмоқда. Бунда Иқтисодий вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан лойиҳани мувофиқлаштириб боради. Лойиҳанинг асосий мақсади айнан энергияни тежаш ҳамда самарадорлигини ошириш йўли билан ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, ички ва халқаро бозорда маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини ошириш, шу ҳисобдан барқарор иқтисодий ўсишга эришишдан иборатдир.


Бошқача айтганда, лойиҳа йирик саноат корхоналарига

янги энергия самарадорлигини оширадиган замонавий ускуналар сотиб олиш ҳамда энергияни тежашга йўналтирилган сублойиҳаларни амалга ошириш учун кредит олиш имконини беради.

— Сублойиҳаларга кредит ажратиш қай тартибда амалга оширилади?

— Халқаро тараққиёт уюшмаси томонидан ажратилган 25 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ «Ўзсаноат-қурилишбанк», «Асака» банки ва «Хамкорбанк» сингари тижорат банклари орқали саноат корхоналари тақдим қилган сублойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади. Маълумот ўрнида шунини айтиш керакки, ушбу маблағ лойиҳанинг биринчи босқичини амалга ошириш мақсадида узок муддатли имтиёзли кредит сифатида тақсимлаб берилди.

Халқаро кредитдан ташқари, республика тижорат банклари



ҳам ўз маблағлари ҳисобидан кўшимча молиялаштиришни амалга оширади.

— Сублойиҳаларга берилаётган имтиёзли кредитларнинг самараси қандай бўлапти?

— Ўзларининг сублойиҳаларини тақдим этган саноат корхоналарида замонавий технологик ускуналар сотиб олиш ҳисобига ишлаб чиқариш линиялари модернизация қилиниб, катта миқдорда энергия ресурсларининг иқтисод қилинишига эришиляпти.

Сублойиҳалар асосан энергия ресурсларини кўп миқдорда истеъмол қиладиган конметаллургия, кимё, энергетика, нефть-газ, қайта ишлаб чиқариш соҳаларига қаратилди ва натижада 167 миллион

Халқаро тараққиёт уюшмаси томонидан ажратилган 25 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ «Ўзсаноат-қурилишбанк», «Асака» банки ва «Хамкорбанк» сингари тижорат банклари орқали саноат корхоналари тақдим қилган сублойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

киловатт/соатдан ортиқ электр энергия ҳамда 54 миллион куб метр газ тежаб қолинади.

— Бу борада юқори натижаларга эришаётган корхоналар ҳақида тўхталсангиз...

— «Навоий кон-металлургия комбинати», «Муборакнефтьгаз» ва «Шўртаннефтьгаз» унитар шўъба корхоналари, «Ўзметкомбинат», «Қизилқумцемент», «Фарғонаазот», «Бекободцемент», «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти сингари йирик саноат корхоналарининг эришаётган натижалари диққатга сазовор. Лойиҳа доирасида замонавий компрессорлар, қозонхона ва турбиналар, частота ўзгартирич ва бошқа технологик асбоб-ускуналар харид қилиниб, эскилари алмаштириляпти. Бундан ташқари, чиқинди газларни фойдали ишга сарфлаш (иккиламчи

энергия ресурсларидан фойдаланиш) технологияларини ўрнатиш ҳам режалаштирилган.

Лойиҳа доирасида (биринчи ва иккинчи босқичи биргаликда ҳисобланганда) 32 саноат корхонасида 81 сублойиҳа амалга оширилиб, натижада жами 539 миллион киловатт/соатдан ортиқ электр энергияси ҳамда 252 миллион куб метр табиий газни тежаш кўзда тутилмоқда.

— Лойиҳанинг истиқболли хусусида ҳам гапириб берсангиз.

— Ажратилаётган маблағлардан белгиланган мақсадлар йўлида тўғри фойдаланилгани учун ҳозирда Жаҳон банки тизимига кирувчи Халқаро тараққиёт уюшмаси томонидан кўшимча молиялаштириш амалга оширилмоқда. Янги босқич доирасида Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш учун 100 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ажратиш режалаштирилган.

Умуман, мазкур лойиҳанинг амалиётга изчил татбиқ этилиши мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларида энергия сарфини камайтириш имконини беради. Тежаб қолинаётган энергия ресурслари эса бошқа фойдали мақсадларга йўналтирилади.

Суҳбатдош:
Обиддин МАХМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁ

Швейцариянинг
Piaget компанияси
Регистон майдони
суратлари туширилган
соатларни ишлаб
чиқара бошлади



Соатларда Самарқанддаги мадрасаларнинг кўринишлари тасвирланган.

«Vogue» журнали маълум қилишича, дизайнерлар Самарқанд чиройидан илҳомланган ҳолда мазкур моделларни яратилган. Мутахассислар соатларни безашда Регистондаги обидларнинг нақшларидан ҳам фойдаланишган.

Piaget компаниясига 1874 йилда асос солинган. У 1957 йилдан бундан ўз маҳсулотларини фақат қимматбаҳо металллардан ишлаб чиқармоқда.

Аккумуляторсиз
ҳаракатланадиган
автомобиль

Японияда аккумуляторсиз ҳаракатланадиган дунёдаги биринчи электромобиль ишлаб чиқарилди.

ТАСС агентлигининг хабарига кўра, бир ўринли мазкур машина ҳозирда синовдан ўтказилмоқда. Унинг шиналаридаги махсус пўлат тўр асфальтдан иккита темир пластина орқали қувватланади.

Синов майдончасида қурилган 30 метрлик ана шундай йўлда электромобиль соатига 10 км. тезликда ҳаракатланмоқда.

Мутахассислар фикрича, келажакда бундай махсус йўлларни қуриш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши мумкин экан.

Аляскада
баландлиги 6
минг метрлик
вулқон отилди



АҚШдаги Аляска ярим оролининг жанубий чегарасига яқин Алеут оролларида жойлашган Павлов вулканидан денгиз сатҳидан 6096 метр баландликдаги оловли кул отилиб чиқди, деб хабар беради Associated Press агентлиги.

Павлов вулкони 28 мартга ўтар кечаси ҳаракатга келган. АҚШ геологик хизмати авиация компанияларини самолётлар қатнови учун энг юқори даражали хавф туғилиши ҳақида огохлантирган.

Павлов вулкони — ушбу ҳудуддаги энг фаол вулконлардан бири бўлиб, кузатув давомида осмонга 40 мартадан ортиқ оловли кул пуркаган. Айниқса, 1981, 1983, 1986, 1996 ва 2007 йилларда содир бўлган «портлашлар» энг кучлиси ҳисобланади. Сўнгги марта вулкан 2014 йилда «уйғонган» эди.

БАНДЛИК

50 нафар киши
иш билан таъминланди

Денов туманидаги 349 мингдан ортиқ аҳолининг 60 фоизга яқинини ёшлар ташкил қилади. Мустақиллик йилларида бунёд этилган 14 касб-хунар коллежи ва битта академик лицейда 43 минг нафардан ортиқ йигит-қиз таълим-тарбия олмақда. Жорий йилда уларнинг 5 минг нафари мустақил ҳаётга қадам қўйди. Битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

— Туманда 6 минг 300 дан ортиқ янги иш жойлари яратиш кўзда тутилган, — дейди ЎзХДП Денов туман кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев. — Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни модернизация қилиш, кичик корхона ҳамда микрофирмалар ташкил

этиш, уй-жой қуриш ва бошқа соҳаларнинг барқарор ривожланаётгани боис жорий йилнинг ўтган даврида 2 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди. Келажакда сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш, касаначиликни кенгайтириш кўзда тутилган.

— Электротизимиз вакилларига қулайлик яратиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари алоҳида эътибор қаратилганми, — дейди Денов тумани бандликка кўмаклашшиш маркази директори, ЎзХДП аъзоси Мирзоумар Хайруллаев. — Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, умумтаълим мактаблари ҳамда касб-хунар коллежларида турли мавзуларда учрашувлар ташкил қилинмоқда. Мавжуд муаммолар атрофида ўрганилиб, уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини белгиланган. Бу борада туман ҳокимлиги, прокуратура,

ИИБ ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Яқинда Денов хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежиди меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Ушбу талбирга иш билан банд бўлмаган фуқаролар, қуролли кучлардан захирага бўшатишлар, қамоқ жазосидан озод этилган фуқаролар ҳамда коллеж битирувчилари таклиф этилди.

140 дан ортиқ корхона ва ташкилот 420 га яқин бўш иш ўринлари билан қатнашган ярмаркада 50 киши иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга жойлашди. Уларнинг асосий қисмини коллеж битирувчилари ва хотин-қизлар ташкил қилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Экспорт кўлами кенгаяди

Мамлакатимиздаги кенг кўламли ислохотлар натижасида давлатимиз экспорт салоҳияти юксалиб, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи туширилган маҳсулотлар жаҳон бозоридан тобора мустақкам ўрин эгалламоқда.

Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси алоҳида ўрин тутмоқда. Жумладан, жамғарма томонидан Истанбул шаҳрида очилган «AYMOD 2016» халқаро чарм-поябзал кўргазмасида ўндан ортиқ ишлаб чиқарувчилар билан

бир қаторда «Ўзбекчарм-поябзал» уюшмаси корхоналарининг иштироки имтиёзли тарзда таъминланди. Тадбиркорлар учун кўргазма майдони беғараз тарзда харид қилиниб, ўзбек брендлари намоиши учун миллий павильон ташкил қилинди.

«AYMOD 2016» терини қайта ишлаш ва чарм-поябзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида сўнгги ютуқлар намоиши

этиладиган халқаро кўргазма ҳисобланиб, соҳа ишлаб чиқарувчилари ва харидорлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилишига кўмаклашди.

Мазкур халқаро кўргазма доирасида юртимиз вакиллари хорижий ҳамкасблари ва ҳамкорлари билан маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар имзолаш имкониятига ҳам эга бўладилар. Бу омиллар эса, шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада юксалишига хизмат қилади.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
«Ягона буюртмачи хизмати»
инжиниринг компанияси

қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Кумкўрган туманидаги «Янгишаҳар» маҳалласида 3 та бир қаватли бир квартиралли коттеж типидagi хизмат турар-жой уйлари қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: қурилиш қиймат солиғи билан бирга — 1 003,467 миллион сўм, қурилиш қиймат солиғисиз — 836,223 миллион сўм, қурилиш муддати — 180 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (0-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларида фақат «Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестри»га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштироки этишига рухсат этилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз

1 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО ҚУШЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

■ Мамлакатимизда қушларнинг 460 дан
зиёд турлари мавжуд.

Қушлар тинчлик, тотувлик элчиларидир

Наманган давлат университети табиий фанлар ва география факультети қошида ташкил этилган «Экология маркази» аъзолари ер, сув, ҳаво ва бошқа табиат неъматларига зарар етказишнинг олдини олиш, чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган қатор дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдалар.

Яқинда университетда талабаларнинг «ECO BIRDS» орнитология клуби иш бошлади. Унга аъзо бўлган бўлажак экологлар қушлар морфологияси, физиологияси, систематикаси ва биогеографиясини ўрганиш

бўйича дастурий режа асосида фаолият бошладилар.

— Ўзбекистоннинг табиати каби қушлар дунёси ҳам ранг-барангдир, — дейди клуб раҳбари, биология фанлари номзоди Эркин Икромов.

— Мамлакатимизда қушларнинг 460 дан зиёд турлари мавжуд. Уларнинг аксариятини Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида, дала ва тоғларида учратиш мумкин. Қанотли дўстларимизнинг биологияси ва экологияси илмий ва амалий жиҳатдан ҳалигача етарли ўрганилмаган. Иқлим ўзгаришлари, хусусан, глобал иссиқ, турли табиий офатларнинг уларга таъсирини синчиклаб таҳлил этишимиз лозим.

Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти томонидан рўйхатга олинган ушбу клуб ўз фаолиятини бошқа олий ўқув юртиларидаги мутахассис олимлар билан ҳамкорликда йўлга қўймоқда. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги «Фазаниус» клуби билан яқин алоқа боғланган.

Айни вақтда орнитолог талабалар «Баҳор келатир» дастури бўйича фаолият олиб боришмоқда. Мазкур дастурга мувофиқ кўлам дарахчилари ҳисобланган оқ лайлак, қалдирғоч, оддий қалқу каби беш турдаги қушлар кузатув остига олинган.

— Клуб аъзолари томонидан кейинги пайтда камайиб



бораётган қора жарқалдирғочлар алоҳида назорат қилинмоқда, — дейди университет табиий фанлар ва география факультети декани Абдуғаффор Назаров.

— Ўз ҳаётининг асосий қисmini ҳавода ўтказадиган бу қуш бир кунда икки минг километр масофага ўчади. Қора жарқалдирғочлар сонини аниқлашда иштирок этаётган

талабалар бу қуш тури яшайдиган ҳудудлардаги экологик вазиятни ҳам таҳлил этадилар.

Носиржон ДЕХҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

Футбол бўйича 2018 йили Россияда бўладиган жаҳон чемпионати Осиё минтақаси иккинчи босқич саралаш учрашувлари якунланди.

Осиёнинг энг кучли ўн икки терма жамоаси

4,5 йўлланма учун курашни давом эттиради

Мусобақанинг «Н» гуруҳида қатнашган Ўзбекистон миллий терма жамоаси охириги турда ўз майдонида Баҳрайн футболчиларини қабул қилди. Мазкур жамоаларнинг ўтган йили октябрда Маанамада кечган баҳсида ҳамюртларимиз йилрик 4:0 ҳисобида зафар қўчиган эди. Шу боис, аксарият муҳлислар навбатдаги ўйинда ҳам футболчиларимизнинг галабасига ишонч билан қарашаётганди.



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Тошкентдаги ўйин қутилганидан-да шиддатли ва мурасиз ўтди. Унда 50-дақиқада Сардор Рашидов киритган ягона гол вакилларимизга муҳим уч очкони тақдим қилди.

— Ўйин биз кутганимиздан кўра, бирмунча қийин кечди, — деди учрашувдан сўнг терма жамоамиз бош мураббийи Самвел Бабаев. — Рақибимиз ҳам аҳойиб ўйин намойиш қилди. Шунга қарамай муҳим уч очкони қўлга киритдик ва муҳлислар ишончини оқладик. Кейинги ҳал қилувчи саралаш босқичига кўчмасизнинг энг кучли терма жамоалари йўлланма олди. Жаҳон чемпионати йўлланмаси тақдирини ҳал қилувчи навбатдаги баҳсларга бугундан оқ хозирлиқни бошлашимиз зарур. 12 апрель куни учинчи саралаш босқичига қўрға ташланади. Гуруҳдаги рақибларимиз номи маълум бўлган, ФИФА кунларида қайси жамоаларга қарши ўртоқлик учрашувлари ўтказишимиз аниқ бўлади.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Филиппин футболчилари КХДР терма жамоасидан устун келди — 3:2.

Осиё минтақаси иккинчи саралаш босқичида саккизта гуруҳда учрашувлар ўтказилди. Мусобақа якунига кўра, ўз гуруҳларида ғолиблиқни қўлга киритган жамоалар ва энг яхши натижа қайд қилган тўртта иккинчи ўрин соҳиби курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди: Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Жанубий Корея, Япония, Таиланд, Саудия Арабистони, Австралия, Ўзбекистон, Сурия, Ироқ, Эрон, Хитой. Шунингдек, мазкур терма жамоалар эришган натижалари эвазига 2019 йили БААда бўладиган навбатдаги Осиё чемпионати финал босқичида майдонга тушадилар.

Эслатиб ўтамиз, 2019 йили ўтадиган Осиё кубоги баҳсларидан бошлаб мусобақада йигирма тўртта терма жамоа иштирок этади. Қўтба чемпионатининг қолган ўн икки қатнашчиси номи эса икки йил давом этадиган саралаш учрашувлари орқали аниқланади.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Пойтахт йўллари

«Тошкентбошплан ЛИТИ» давлат унитар корхонасида Тошкент шаҳрида автомобиль йўллари ва кўприклар қурилиши, айрим трамвай йўлларининг демонтаж қилиниши масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

— Пойтахт ҳудудидаги йўлларни қуриш ва соғлаш, мавжуд стандартлардан Европа йўл стандартларига ўтиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган алоҳида концепция асосида босқичма-босқич амалга оширилади, — деди Тошкент шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмонов. — Яқин кунларда трамвайлар ўрнига автобуслар қўйилади. Жумладан, 5 апрелдан бошлаб, 13-трамвай йўналишида 13-Т автобуси қатнаши.

Анжуманда таъкидланишича, трамвайлар иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Бошқа

транспорт воситалари қатновига ҳалақит бермоқда.

Бунинг устига трамвай йўллари замон талабларига мос келмайди. Аҳолига қулайлик яратиш, сифатли транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида 87,8 километрлик трамвай йўли демонтаж қилинади.

Матбуот анжуманида айтилишича, йўл усти кўприкларининг хавфсизлиги, ер ости йўлига нисбатан арзонга тушиши, нисбатан қисқа муддатда битиши ҳисобга олиниб, «Отчопар» ҳамда «Бек барака» бозорлари атрофида ҳамда

янада кенг ва равон бўлади

Қўйлиқ массиви ҳудудида ер усти йўллари қуриш режалаштирилган.

«Нурафшон» кўчасининг Бегуний кўчасидан Шароф Рашидов кўчасигача бўлган қисмида қуриладиган 3,8 километрлик айланма йўл марказий кўчаларда транспорт тизимини камайтириш имконини беради. Ҳозирги пайтда «Нурафшон» кўчасидаги ҳаракат оқими соатига 4 мингта машинага ортгани туфайли мавжуд кўприкка меъёридан анча кўп юк тушмоқда. Шунинг учун бу йўналишда ҳам янги кўприк (эстакада) қурилиши режалаштирилмоқда.

Нукус кўчаси Ш. Руставели кўчасидан Бобур кўчасигача яна 1 километрга узайтирилади. Бегуний кўчасининг Шароф Рашидов кўчасигача,

«Нурафшон» кўчасининг Бегуний кўчасидан «Оқтепа» майдонигача узайтирилиши, Муқимий, Нукус, Қодирий, Шароф Рашидов, «Нурафшон» кўчаларининг давом этирилиши орқали янги транспорт ҳалқа йўли барпо этилади.

Шаҳарнинг марказий кўчаларидаги тирбандликнинг олдини олиш мақсадида «Тараққиёт» кўчаси ҳам узайтирилади, Паркент кўчасидаги катта ҳаракат оқими ҳисобга олиниб, кўчанинг «Олтинтепа» кўчасидан «Катта ҳалқа йўли» гача бўлган қисми реконструкция қилинади.

Матбуот анжуманида журналистларнинг мавзуга оид саволларига жавоб берилди.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА» ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4,5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxona manzili: Buyuk Tiron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359
17578
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 22.10

Sotuvda kelishilgan narsda

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



ISSN 2010-7633
1 2 3 5 6

БОЛАЛАР СПОРТИ

Кеча пойтахтимиздаги «Қуш-беги» болалар спорт мажмуасида «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Нафосат олами» шiori остида спорт фестивали бошланди.

«Нафосат олами»

Бешинчи марта ўтказилаётган фестивалнинг дастлабки кунинда 12 ёшгача бўлган ўғил ва қизлар спорт рақси бўйича ўз маҳоратини намойиш этишди.



Санжар ШОТЛАГАНОВ олган сурат.

— Миробод туманидаги Авлоний маҳалласида яшайми, — дейди Сайёра Исмолова. — Қизим Заринабону 94-умумтаълим мактабининг 1-синфида ўқийди. Шу билан бирга, бир йилдан бери «Шанс» спорт рақси тўғрисида ҳам қатнашди. Бу ерда у мураббий Владимир Ворошиловдан ушбу спорт тури сирларини ўрганмоқда. Қизимнинг ўқишлари аъло. Спорт мусобақаларида ҳам ижобий натижаларни қўлга киритаётганидан жуда хурсандман. Ҳозиргача Заринабону шаҳар ва республика биринчиликларида бир неча марта совриндорлар қаторидан жой олиб, бизни хурсанд қилди. Бу каби мусобақалар янада кўпроқ уюштирилса, айтимиз бўларди.

Бугун спорт фестивалидан жой олган синхрон сузиш ва суғва сакраш турлари бўйича баҳслар пойтахтимиздаги «Саховат спорт сервис» сув спорти саройида бошланади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

ОБ-ҲАВО	31.03-1.04 — 2016
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+3 / +8	+12 / +17
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+5 / +10	+15 / +20
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+5 / +10	+15 / +20
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+7 / +12	+15 / +20
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+8 / +13	+15 / +20
Тошкент шаҳри	
+8 / +10	+15 / +17
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+14 / +14
Париж	+9 / +14
Москва	+9 / +9
Мадрид	+12 / +13
Пекин	+27 / +24
Канберра	+24 / +25
Рим	+23 / +22
Афина	+22 / +22
Токио	+18 / +16
Стокгольм	+11 / +8
Кейптаун	+21 / +20
Қоҳира	+27 / +29
Гавана	+32 / +33